



Мусулмонлар сонининг тобора ортиб, “Халол” махсулотларга бўлган кизикишнинг зиёдалашиб бораётгани сайин “Халол ишлаб чикариш” соҳасида хам ўзига хос масалалар юзага келмоқда. Масалан, хали-хануз “хайвон ва паррандаларни электр токи билан ўлдириш/сўйиш халолми?” - деган масала юзасида баҳс-мунозаралар кетмоқда.

Мусулмонларда хакли равишда бу холат билан боғлик куйидаги савол мавжуд: “Хакикатан, бу тарзда сўйилган ёки ўлдирилган хайвонларни истеъмол килиш жоизми?”

Мусулмонлар наздида “Халол” сўзи – “ишонч”ни билдиради. Halal Monitoring Committee ўз ўрнида жамоатчиликнинг халол ишлаб чикаришга бўлган ишончини баён килди.

Британия муфтийлар кенгашидан Шайх Иброҳим Мугра айтадики:

“Халол – тозалик ва рухсат берилган, деган маъноларни ифодалайди. Мусулмонлар халол деганда нафакат озик-овкат ва ичимликларни, шу билан бирга барча хатти-харакатларни, турмуш тарзини тушунадилар. Дарҳакикат, халол дегани, бу – биз учун “ишончли нарса” дегани. Аммо, айни дамда истеъмолчилар (шубҳали сўйиш ва таёrlашлар боис) янада кўпроқ кафолатлар изламокдалар”.

Халол Мониторинг Кўмитаси (Halal Monitoring Committee) аъзоси Фас Мулла хикоя кила туриб бундай дейди: “Ёшлигимда дадам билан меҳмонга борганимизда одамлар ховлиларидағи күшларни ўzlари сўяётганини кўргандик. Буни ўз кўзларимиз билан кўргач, бу махсулотнинг аник халол эканлигига шубҳа-гумон колмасди. Хозирги кунда уйларда бўғизлашга рухсат йўқ, ва натижада кассобларга ишонишимизга тўгри келади. Шу боис уларнинг сўйиш ва бўғизлаш тизимларини синчиклаб текшириб чикишимиз лозим”.

Джон Саммерс – чорвадор, дехкон, ишбилармон, “Халол” махсулотлар ишлаб чикариш ва тарқатиш соҳасида фаолият юритади.

Унинг сўзларига кўра, Ислом шариати бўйича сўядиган кассоблар, күшхоналар аслида жуда кўп. Лекин, айнан сўйилиш ва бўғизланиш ишлари тўгри амалга оширилаётганлигига кафолат йўқ. Шунингдек, ресторон (тамаддиҳона) ларни олиб карайдиган бўлсак, ошпазлар хам кандай гўштдан таом тайёрлаётганлигини билмайдилар, бу хакда факатгина кассоб билади.

Шундай экан, демак мол сўйиладиган саллоҳхонаю күшхоналарни астойдил кўздан кечириб, текшириб борадиган уста мутахассисларга ишонишимиз лозим.

Факат доимий равишда, ваколатли органлар томонидан олиб бориладиган тизимли назоратларгина истеъмолчиларнинг мухсулотга бўлган ишончини таъминлаши мумкин.

Энг ожиз банда тайёрлаган